11) таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжат лойиҳаларини Давлат экология қўмитаси раиси томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппаратида кўриб чиқилишида Давлат экология қўмитаси раиси ва унинг ўринbosарлари топшириғига асосан иштирок этиш;

12) Давлат экология қўмитасига тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта хуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида" 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва "Мансабдор шахсларнинг хориж мамлакатларига хизмат сафарлари самараси учун шахсий масъулиятларини янада ошириш ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси ташрифларини ташкил этиш чоралари тўғрисида" 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равища амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) Давлат экология қўмитасининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

15) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида Давлат экология қўмитаси томонидан тасдиқланган Давлат экология қўмитаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, таркибий бўлинма ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

16) Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувоғик, таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

17) давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси ва сифатини, улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича Давлат экология қўмитаси раҳбариятига таклифлар киритиши;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

## **6. Бошқарманинг сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасидаги функцияларига қуидагилар киради:**

1) ер усти, ер ости сувларини ифлослантириш манбалари устидан давлат экологик назорати ўтказилишини амалга оширади ва мувофиқлаштиради;

2) сув ресурсларидан фойдаланилиши, ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланишнинг белгиланган меъёрлари, қоидалари ва режимига, уларни ифлослантиш, булғаниш ва қуриб қолишдан муҳофаза қилиш, шунингдек сув обьектларининг қирғоқ бўйиларида (зоналарида) сувни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари бажарилишини назорат қиласи;

3) сувдан маҳсус фойдаланиш ва сувни маҳсус истеъмоли учун рухсатномалар бериш, шу жумладан "Ягона дарча" марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатиш ва уларнинг ҳисобини юритиш ишларига раҳбарлик қиласи;

4) оқова сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-мухитга йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий ташламалари меъёрларини кўриб чиқади;

5) оқова сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш(оқизиш)нинг белгиланган экологик меъёрлари, шунингдек ушбу ташламаларни белгиланган меъёрларгача пасайтиришга доир чора-тадбирларни келишади;

6) оқова сувларни очиқ сув ҳавзалари ва жой рельефига ташлаганлик учун компенсация тўловлари тўловчиларини қамраб олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиради;

7) юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувни муҳофаза қилиш обьектлари, сув хўжалиги тизимлари, сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларини ишлатиш қоидаларига риоя этилиши ва бажарилишининг давлат экологик назоратини амалга оширади;

8) сув ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг ва хар ерда жорий қилиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади;

9) ишлаб чиқариш оқоваларини канализация тизимларига ташлайдиган корхоналар оқова сувлари назоратини ташкиллаштиради;

10) ер усти сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш минтақаларида ҳамда ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилган ҳудудларда ўтказиладиган рейдлар ва уларнинг натижадорлиги мониторингини юритади;

## **7. Бошқарманинг ер ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасидаги функцияларига қўйидагилар киради:**

1) тупроқларни ифлослантириш манбалари устидан давлат экологик назорати ўтказилишини амалга оширади ва мувофиқлаштиради;

2) ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий моддалар билан ифлосланишдан, хароб қиласидиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қилиниши назорат қилиш;

3) янғи ва қайта қурилган корхоналар ҳамда бошқа обьектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишда экологик хавфсизлик талабларига риоя этилиши;

4) ер эгалари ва ер участкалари фойдаланувчилари томонидан тупроқни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг ўтказилиши;

5) ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи моддаларни, минерал ўғитларни, бошқа кимёвий моддалар ва дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш чоғида атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан назорат;

6) б-тоифага мансуб бўлган муҳофаза этиладиган табиий худудлар (ер усти сув обьектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳамда ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган, муҳофаза этиладиган табиий худуд мақоми берилган худудлар) давлат кадастрини юритиш;

7) вақтинча фойдаланишга берилиб, қурилиш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва бошқа таъсирлар натижасида бузилган ерларни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш назоратини амалга ошириш;

8) янги муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил қилиш, уларга ном бериш ва уларни қайта номлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

9) сомон поялари ёқилиши олдини олиш, натижасида тупроқ унимдорлигига етказилган зарар бўйича, ҳуқуқбузарларга нисбатан белгиланган тартибда қўйилган даволар мониторингини юритади;

10) собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари ва заҳарли кимёвий моддаларни кўмиш қабристонлари атрофидаги ерларнинг ифлосланиши назоратини мувофиқлаштиради, мониторинг натижаларини таҳлил қилиб, тупроқ ифлосланишини камайтириш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар беради.

## **8. Бошқарманинг кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги функцияларига қўйидагилар киради:**

1) фойдали қазилмаларни қазиб олиш, портлатиш ишларини ўтказиш, қазилма чиқинди хоналарини, терриконлар, қолдиқ жинслар уюмини ва ахлатхоналарни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида атроф-муҳитни ифлосланишдан, булғанишдан ва қашшоқлашишдан муҳофаза этиш ҳамда табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш талаблари;

2) кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш қоидалари;

3) вақтинча фойдаланишга берилиб, қурилиш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва бошқа таъсирлар натижасида бузилган ерларни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширади;

4) кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш ишларини режалаштиради;

5) чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш мақсадларида ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатади ва уларнинг ҳисобини юритади;

6) дарё ва сой ўзанларидан қум ва шағалларни ноқонуний қазиб олинишини олдини олиш мақсадида рейdlар ўтказилишини ташкиллаштиради ва мониторингини олиб боради.

**9. Бошқарманинг юридик ва жисмоний шахслар томонидан атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш соҳасидаги функцияларига қуидагилар киради:**

1) атроф-мухит муҳофазаси, табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш, уларни сақлаб қолиш ва аслидай қайтариш дастурлари ва харакатлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши;

2) ресурс тежайдиган, кам чиқитли ва чиқитсиз инновациявий технологияларни кенг ва ҳар ерда жорий қилиш, хўжалик фаолиятининг атроф-мухитга нокулай таъсирини пасайтириш ва олдини олиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

3) ўз ваколатлари доирасида, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотларнинг экология, атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги мутахассисларини тайёрлаш ва малакаларини ошириш ишлари бўйича услубий раҳбарликни амалга оширади;

4) мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ҳар йиллик ва узок муддатлик дастурларига кейинчалик киритиш учун, атроф-мухит ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

5) экология, атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини, тааллуклигига кўра кўриб чиқади ва келишади;

6) алоқадор вазирлик ва идоралар билан атроф-мухитга таъсир омилларини ҳисобга олиш, атроф-мухит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва башорат қилиш учун давлат ва идоравий назорат масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласи;

7) атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги натижаларини таҳлил қиласи ҳамда тузилмавий бўлинмаларнинг сув ресурслари ва ерлар ҳолатининг сифат ўзгаришлари динамикаси масалаларидағи фаолиятларини мувофиқлаштиради.

8) янги (қайта қурилган) объектларни, шу жумладан табиатни муҳофaza қилишга мўлжалланган обьект ва иншоотларни қабул қилиш ва ишга тушириш бўйича давлат комиссиялари ишида иштирокни, шунингдек хўжалик фаолиятининг барча турларига ер участкасини бериш материаллари келишувини ташкиллаштиради,

9) экология ва атроф-мухит муҳофазаси соҳасида, тааллуклигига кўра, дастурлар, меъёрий-хукукий хужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик

жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий ҳамкорликнинг кенгайишига кўмаклашади, атроф-мухит муҳофазаси борасидаги фаолиятда, жамоат экологик назоратини амалга оширишда услубий ёрдам кўрсатади;

10) бошқа маҳсус ваколатли давлат органлари билан биргаликда, экологик назорат соҳасида, экологик назорат жамоат инспекторларининг маҳсус тайёргарлигини ташкиллаштиришда иштирок этади;

11) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги ижроия ҳокимлик органлари, бошқа ташкилотлар билан биргаликда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, атроф-мухит ҳолати, мавжуд ифлосланишлар ва бошқа заарли таъсирлар, табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида маълумотларнинг ягона республика базасини шакллантиради ва юритади;

12) ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-мухитга йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий ташламалари меъёrlарини кўриб чиқади;

13) атроф-мухитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари тўловчиларини қамраб олиш масалалари бўйича тармоқ бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

14) тармоқ бўлинмаларининг давлат экологик экспертизаси хулосалари бажарилиши мониторингини ўтказиш борасидаги фаолиятлари назорати ва мувофиқлаштирувини амалга оширади;

15) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар билан биргаликда ифлослантириш манбалари ва уларнинг атроф-мухитга заарли таъсирларининг (физиковийларидан ташқари) ҳисобини амалга оширади;

16) табиатдан фойдаланувчилар томонидан (табиатдан маҳсус фойдаланиш) табиатдан фойдаланиш ҳамда атроф-мухитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ва бошқа заарли таъсирларнинг (физиковийларидан ташқари) ҳисоби юритилиши устидан назорат ишларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда экология, атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича давлат статистика ҳисботлари ҳаққонийлигига риоя этилиши бўйича ишларни ташкиллаштиради;

17) экологик тарбияни ташкиллаштиришда иштирок этади ва тармоқ бўлинмалари инспекторлик таркиби малакасини ошириш курсларини ташкиллаштиради;

18) аҳолининг атроф-мухит муҳофазаси борасидаги хабардорлигини, экологик маданиятини ошириш мақсадида, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш олиб боради;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқарма ваколат доирасига тааллуқли бўлган масалалар бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

20) жисмоний ва юридик шахсларга, қонунчиликда белгиланган тартибда, ахборот ва маслаҳат қўмагини кўрсатади;

21) Қўмита тизими раҳбар ва мутахассисларини шаҳодатлашдан ўтказилишида иштирок этади;

22) тааллуқлигига кўра, халқаро ҳамкорликда қатнашади.

23) Бошқармaga қўйилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий органлари орқали амалга оширади.

10. Бошқармaga юклangan бошқa функцияларни белгиланган тартибda амалга oширадi.

### **3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

11. Бошқарма ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ўзига қўйилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлик меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар, шунингдек бошқa ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритилиши юзасидан қўмита раҳбариятига таклифлар киритиш;

2) зарур бўлган ҳолларда қўмита раҳбариятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни аслидай қайтариш масалалари бўйича ҳисботларини кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритиш;

3) ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Қўмита марказий аппарати ва тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасалардан, бошқa таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқa органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

4) Бошқарманинг ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бўйича зарур бўлган статистик маълумотларни давлат статистика органларидан қўмита орқали бепул асосда олиш;

5) идоравий ва статистик ҳисботлар шаклларини такомиллаштириш борасида таклифлар тайёрлаш ва киритиш ва тасарруфдаги ташкилотларнинг атроф-муҳит муҳофazаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги

статистик ва идоравий ҳисоботларни белгиланган тартибда мувофиқлаштириш, ташкил этиш ва юритилишини амалга ошириш;

6) атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун (ифлослантирувчи моддалар ташламалари ва чиқиндиларни жойлаштирганлик, коммунал канализация тизимларига ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрлардан ортиқча ташлаганлик) компенсация тўловлари ҳисоб-китобларининг тўғрилигини текшириш;

7) қўмита раҳбариятига жамоат, маслаҳат, илмий-техник ва бошқа кенгашларни, идоралараро экспертилек комиссияларини ташкил этиш ҳақида таклифлар киритиш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари бўйича йиғилишларни ташкиллаштириш, шунингдек атроф-муҳит муҳофазаси бўйича узоқ муддатли дастурлар, худудий комплекс схемаларини, экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ қонунчилик хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат экологик экспертизасини ўтказиша, илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотлари, олий ўқув муассасалари, юридик ва жимоний шахсларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

8) юридик ва жимоний шахсларга улар томонидан табиий ресурсларни ифлослантириш, уларга зарар етказиш, камайиб кетиши ва нооқилона фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишга йўл қўйилганлик учун зарарни қоплаш юзасидан белгиланган тартибда даъволар қўйиш;

9) экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тузиши ҳақида таклифлар тақдим этиш;

10) қонунчиликда белгиланган тартибда, фавқулодда вазиятлар, эпидемия ва фуқаролар ҳаётига бошқа аниқ таҳдид пайдо бўлишини олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширилиши зарурияти муносабати билан, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа обьектлар фаолиятини ўн иш қунидан ортиқ бўлмаган муддатга чеклаш, вақтинча тўхтатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

11) атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа обьектлар фаолиятини чеклаш, вақтинча тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва (ёки) соҳасини ўзгартириш ҳақида, шунингдек атроф-муҳитга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақида аризалар билан судга мурожаат қилиш;

12) ўз ваколатлари доирасида, белгиланган тартибда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

13) қонунчиликда белгиланган ҳолат ва тартибда, мансабдор шахс ва фуқароларга жарималар солиш;

14) табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун мансабдор ва жисмоний шахсларни жавобгарликка тортиш тұғрисида тегишли органларға тақдимномалар киритилишини ташаббус қилиш;

15) атроф-мухитта сезиларли таъсир күрсатаётган юридик шахслар раҳбарларидан тасарруфларидағи объектларда атроф табиий мухитта ифлослантирувчи моддалар ташламалари (оқизмалари) устидан узлуксиз назорат воситалари билан жиһозланған пункт(пост)ларни ташкил этишларини, бундай пункт(пост)лар иши устидан мунтазам назорат амалға оширишларини, ушбу пункт(пост)лардан олинған маълумотларни тизимли равищда тақдим этишларини қўмита раҳбарияти билан келишган ҳолда, талаб қилиш хуқуқига эга.

16) Кўмита раҳбариятининг топшириғига биноан Кўмита ва бошқа органлар, муассасалар мажлислари ҳамда йиғилишларида қатнашиш;

17) Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг тегишлича сув, ер ресурслари, кенг тарқалған қазилма бойликларини муҳофаза қилиш бўлимлари фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳамда уларнинг фаолияти юзасидан услубий раҳбарликни амалға ошириш;

18) зарурат бўлганда Кўмитада кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланған тартибда жалб этиш, ушбу мақсадларда ишчи гуруҳлар ташкил этиш.

19) Текшириш (инспекция) ўтказиш доирасида:

ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларининг юридик ва жисмоний шахслар объектларига белгиланған тартибда киришга;

юридик ва жисмоний шахсларга экология, атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилғанлигини бартараф этиш ҳақида ёзма мажбурий кўрсатмалар беришга;

қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларни амалға оширишга ҳақли.

12. Бошқарма унга юқланған вазифаларнинг тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун:

тегишли вазирлик ва идоралардан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларидан, ҳудудий экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармалардан тегишли маълумотлар олади, таҳлил қиласи ва умумлаштиради, маълумотлар тайёрлайди ва Кўмита раҳбариетига киритади.

Кўмитанинг таркибий бўлинмаларидан фаолиятлари бўйича асослантирилган маълумот ва ахборотларни тўлиқ ҳажмда талаб қилиб олади;

Кўмитанинг таркибий бўлинмалардан ўз фаолияти ва ҳудудлардаги бўлинмаларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан ахборот талаб қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминаш юзасидан Бошқармага Кўмита раҳбарияти томонидан берилган топширикларини ўз вақтида ижроси таъминлайди;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва хатлар бўйича масалаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши таъминлайди.

#### **4-боб. Бошқарманинг қўмита ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

13. Бошқарманинг ҳудудий бўлинмалар ва қўмитага идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

14. Бошқарма ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

1) топширикларни ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

2) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига бошқарманпнг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қиласди;

3) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, натижаларни умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қиласди;

4) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

5) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қиласди, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни кўради;

6) Давлат экология қўмитасининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

7) норматив-ҳукуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Давлат экология қўмитасининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этади, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

9. Бошқарма ҳамда унинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Давлат экология қўмитаси раисининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чиқилади. Агар қўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита Давлат экология қўмитаси раиси томонидан қабул қилинади.

## **5-боб. Бошқарманинг тузилмаси ва бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

15. Бошқарманинг тузилмасига:

бошқарма бошлиғи;

бошқарма бошлиғи ўринбосари;

2 нафар бош мутахассис;

1 нафар етакчи мутахассис киради.

Бошқарманинг тузилмаси Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

Бошқарма фаолиятига бошлиқ раҳбарлик қиласи.

16. Бошқарма бошлиғи лавозими нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Бош давлат инспектори ўринбосари ҳисобланади.

Бошқарма мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг катта давлат инспекторлари ҳисобланади.

17. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма бошқармасининг фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишини ташкил қиласи ҳамда бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Бошқармадан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Бошқарма мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди:

Бошқарма ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Кўмита буйруқларига асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан атроф-мухит муҳофазаси қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказиладиган режали ва режадан ташқари қисқа муддатли текширувларда иштирок этади;

Бошқарми ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда интизомий жазога тортиш тўғрисидаги таклифларни Кўмита Раисига тақдим этади.

кўмитанинг “Ички меҳнат тартиби қоидалари”га амал қиласди;

Бошқарма бошлиғи вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кўмита Раиси томонидан белгиланадиган Бошқарма бошлиғи ўринбосари бажаради.

18. Бошқарма бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

Бошқармадаги бош мутахассис ва етакчи мутахассисга ишни тақсимлаб беради, уларнинг вақтида бажарилишини назорат қиласди;

Қорақаполпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-мухитни муҳофaza қилиш бошқармаларининг сув, ер ресурслари, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофaza қилиш бўлимлари фаолиятларини мувофиқлаштиради, уларга услубий раҳбарлик қиласди;

Кўмита Ҳайъат йиғилишларига материаллар тайёрлашда иштирок этади;

Сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофaza қилиш борасидаги Идоралараро комиссия ва гуруҳларнинг йиғилишларига материаллар тайёрлайди ва унинг йиғилишларида иштирок этади;

Сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофaza қилишга доир таҳлилий материаллар тайёрлайди ва Кўмита раҳбариятига тегишли таклифлар киритади;

вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тааллуқлигига кўра кўриб чиқади ва улар бўйича таклифлар киритади;

корхона ва ташкилотларнинг атроф-мухит муҳофазаси соҳасида фаолият юритадиган ходимларининг, сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофaza қилиш давлат инспекторларининг малакаларини оширишда маърузалар қиласди ва сухбатларда иштирок этади;

Олий Мажлис палаталари ва Ҳукуматнинг топширикларига кўра, сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофaza қилишга доир меъёрий-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида раҳбарлик қиласди;

Кўмитанинг атроф-мухит муҳофазаси борасидаги миллий ҳисоботлари, қисқа ва узоқ муддатли дастурларини тайёрлашда иштирок этади;

Кўмита раҳбариятининг кўрсатмаларига мувофиқ, халқаро ташкилотлар ва хориж корхоналари вакиллари иштирокида сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилишга доир мавзуларда ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Кўмита буйруқларига асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан атроф-муҳит муҳофазаси қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказиладиган режали ва режадан ташқари қисқа муддатли текширувларда иштирок этади.

Кўмитанинг “Ички меҳнат тартиби қоидалари”га амал қиласди;

Бошқарма бошқармасининг фаолияти билан боғлик бошқа масалаларни амалга оширади.

19. Бошқарма бошқармасининг бош мутахассислари:

ўз функционал вазифаларига мувофиқ таклифларнинг ва норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқарувининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қиласди, улар юзасидан зарур таҳлилий материалларни ва эксперт хулосаларни тайёрлайди, шунингдек улар бўйича Бошқарма бошлиғига маълумот тақдим этади ва зарур келишувларни таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида бошқарма бошлиғига ахборот беради;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиришни ва юритишни, унинг мунтазам равища тўлдириб ва янгилаб борилишини ташкил қиласди;

Бошқарма бошқармасининг ишлари ҳолати ва натижадорлигини доимий равища ўрганиб боради, бошқарманинг мажлисларида қатнашади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Кўмитанинг йиғилишларида кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойиш лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан тегишли ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан ўтказиладиган йиғилишларда иштирок этади;

Кўмита буйруқларига асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан атроф-муҳит муҳофазаси қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказиладиган режали ва режадан ташқари қисқа муддатли текширувларда иштирок этади;

Кўмитанинг “Ички меҳнат тартиби қоидалари”га амал қиласди;  
вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бошқарма бошқармасининг етакчи мутахассиси:

Сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилиш борасидаги Идоралар комиссия ва гурухларнинг йиғилишларига материаллар тайёрлашда иштирок этади;

Сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилишга доир таҳлилий материаллар тайёрлашда ва Кўмита раҳбариятига тегишли таклифлар киритишда иштирок этади;

вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини тааллуклигига кўра кўриб чиқади ва улар бўйича таклифлар киритади;

корхона ва ташкилотларнинг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритадиган ходимларининг, сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилиш давлат инспекторларининг малакаларини оширишда маъruzалар қиласди ва сухбатларда иштирок этади;

Олий Мажлис палаталари ва Ҳукуматнинг топшириқларига кўра, сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилишга доир меъёрий-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида раҳбарлик қиласди;

Кўмитанинг атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги миллий ҳисоботлари, қисқа ва узоқ муддатли дастурларини тайёрлашда иштирок этади;

Кўмита раҳбариятининг кўрсатмаларига мувофиқ, халқаро ташкилотлар ва хориж корхоналари вакиллари иштирокида сув, ер ресурсларини, кенг тарқалган қазилма бойликларини муҳофаза қилишга доир мавзуларда ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Кўмита буйруқларига асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан атроф-муҳит муҳофазаси қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказиладиган режали ва режадан ташқари қисқа муддатли текширувларда иштирок этади;

Кўмитанинг “Ички меҳнат тартиби қоидалари”га амал қиласди;  
вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **6-боб. Яқунловчи қоида**

21. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.